

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2021.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАХМУДОВА САДОҚАТ ХОЛМАТОВНА**

**ЎЗБЕК ТИЛИДА “ОСТОНА” КОНЦЕПТИНИНГ  
ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ  
(Тоҳир Малик ва Саид Аҳмад асарлари мисолида)**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қарши – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Махмудова Садоқат Холматовна**

Ўзбек тилида “остона” концептининг лингвомаданий хусусиятлари  
(Тоҳир Малик ва Саид Аҳмад асарлари мисолида)..... 5

**Махмудова Садоқат Холматовна**

Лингвокультурные особенности концепта «остона» в узбекском языке  
(на примере произведений Тохира Малика и Саида Ахмад)..... 25

**Махмудова Садоқат Холматовна**

Linguocultural features of the concept of “threshold” in the Uzbek language  
(on the example of the works of Tohir Malik and Said Ahmad)..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати.**

Список опубликованных работ.  
List of published works .....47

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2021.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАХМУДОВА САДОҚАТ ХОЛМАТОВНА**

**ЎЗБЕК ТИЛИДА “ОСТОНА” КОНЦЕПТИНИНГ  
ЛИНГВОМАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ  
(Тоҳир Малик ва Саид Аҳмад асарлари мисолида)**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қарши – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Fil.1775 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.qarshidu.uz](http://www.qarshidu.uz)) ва "Ziynet" Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Файзуллаев Муҳаммад Бақоевич**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Пардаев Азамат Бахронович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Давлатова Раъно Хайдаровна**  
филология фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Термиз давлат университети**

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2021.Fil.70.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "17" июл соат 09<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси 17. Тел.: (0375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети, Бош биноси, 205-хона.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (105 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил "15" июл да тарқатилди.  
(2022 йил "15" июл даги 8 -рақамли реестр баённомаси).



**Н.Н. Шодмонов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси,  
ф.ф.д., профессор

**Г.Н. Тожиева**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
ф.ф.д. (DSc), доцент

**Х. Жабборов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги  
Илмий семинар раиси,  
ф.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида лисоний бирликларни этнолингвистика, психоллингвистика, прагмалингвистика, лингвокультурология, нейролингвистика каби лингвистик изланишлар йўналишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ лингвомаданиятшунослик, лингвомаънавиятшунослик доирасидаги илмий ишлар салмоғи анча кенгаймоқда. Мазкур йўналишларнинг жаҳон миқёсидаги тараққиёти тил ҳодисаларига янгича қараш ва замонавий ёндашув талабини ҳам қўймоқда. Ҳар бир халқнинг миллий маданиятини ўзида аниқ ва тўлиқ ифодаловчи концептларни когнитив асосларда баён этиш, лисоний оламдаги ўрнини баҳолаш, ташқи-ички семантик тизими, услубий, прагматик ва лингвокультурологик хусусиятларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида тил ва нутқ ҳодисаларини лингвомаданиятшунослик парадигмаси йўналишида асослаб бериш, ҳар бир миллатнинг моддий ва маънавий маданиятини унинг тили билан бевосита боғлиқ тарзда ифодалаш, шу асосда муайян миллатга дахлдор оламнинг лисоний манзарасини яратишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Зеро, бугунги глобаллашув даврида мамлакатларнинг жаҳон тамаддунида ўзининг мустақкам ўрнига эга бўлиши учун интилиши, маданий, маърифий, тарихий, этник соҳаларда миллий ўзига хослигини намоён эта олиши муҳим воқелик бўлиб, қатор тадқиқотлар яратилишига замин ҳозирламоқда. Ушбу тадқиқотларда ҳар бир миллатнинг мавжудлиги, этногенезиси, моддий ва маънавий маданияти унинг тили билан бевосита боғлиқ тарзда намоён бўлиши ашъвий фактлар билан далилланмоқда. Бу эса ҳар бир ижтимоий қатлам нутқида алоҳидалик касб этади ва лингвомаданий бирликларнинг маданий хусусиятларини кенгрок изоҳлаш имконини яратади.

Ўзбек тилшунослигида кенг ривожланиб бораётган лингвомаданий бирликларнинг моҳиятини очиб бериш “бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада, аввало, ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши”<sup>1</sup> лозим. Халқимиз маданиятини ҳаққоний ифодалаган бадиий асарлар юксак тараққиёт босқичига қадам қўйган Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий ҳаётининг кеча ва бугунини ёритиб берувчи энг муҳим манбалардан бири эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Ўзбек миллий концептларини бадиий асарлар асосида лингвокультурологик аспектда ўрганишга қаратилган айрим тадқиқотлар яратилган бўлса-да, бироқ мазкур соҳада ҳали кўплаб илмий ишларни амалга ошириш эҳтиёжи мавжуд. Ўзбек тилидаги “*остона*” концепти ҳосил қиладиган семантик майдон доирасини миллий тафаккур тараққиётида алоҳида ўринга эга бадиий асарлар мисолида

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // <http://lex.uz/docs/4561730>

белгилаш, унинг прагматик ва лингвокультурологик хусусиятларини очиб бериш, шулар асосида ўзбек тилининг бой ва серкирра тиллардан бири эканлигини далиллаш тилшунослигимизнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5039-сон “Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”, ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация материаллари маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг: I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатнинг ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маърифий ривожланишида инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Замонавий тилшуносликда концептга хос лисоний, логик-гносеологик хусусиятлар, унинг тил ва маданиятни уйғунлаштирувчи табиати турли йўналишларда тадқиқ қилинган. Бу борада жаҳон тилшунослиги вакиллари Т.В.Евсюнкова, Н.Ф.Алефиренко, А.Т.Хлоренко, Е.Ю.Бутенко, В.В.Воробьев<sup>2</sup> каби олимларнинг олиб борган тадқиқотлари эътиборга лойиқ. Шунингдек, мазкур муаммонинг тадқиқ концепцияси В.Гумбольдт, Э.Сепир, А.А.Потебня, Л.А.Новиков, Н.М.Шанский, В.Н.Телия, В.А.Маслова, Ю.С.Степанов каби олимларнинг илмий тадқиқотларида ишлаб чиқилган<sup>3</sup>.

---

<sup>2</sup> Евсюнкова Т.В., Бутенко Е.Ю. Лингвокультурология. Электронный ресурс. – М.: Флинта, 2014. – С. 480; Алефиренко Н.Ф. Ценностно-смысловое пространство языка (электронный ресурс): учеб пособие. – М.: Флинта, 2016. – С. 288; Хлоренко А.Т. Основы лингвокультурологии (электронный ресурс): учеб. пособие. – М.: Флинта, 2016. – С. 182; URL: <https://e.lan.book.com/book/84459>; Хлоренко, А.Т. Основы лингвокультурологии: учеб. пособие / А.Т. Хлоренко; под. ред. В.Д. Бондалетова. 5-е изд. – М.: Флинта: Наука, 2009. – С. 184; Воробьев В.В. Лингвокультурология. – М.: Изд. Российского университета дружбы народов, 2006. – С. 330. Воробьев В.В. Лингвокультурология: Теория и методы / В.В. Воробьев. – М.: РУДН, 2008. – С. 340.

<sup>3</sup> Гумбольдт В. Язык и философия культуры. – М.: Прогресс, 1985. – С. 452; Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию. – М.: Прогресс, 1984. – С. 397; Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. – М.: Прогресс, 1993. – С. 356; Потебня А.А. Мысль и язык. – М.: Лабиринт, 1999. – С. 300. Новиков Л.А. Лингвистическое толкование художественного текста. – М., 1979; Новиков Л.А. – Семантика русского языка. – М.: Высшая школа, 1982. – С. 292; Шанский Н.М., В.В.Иванов, Т.В.Шанская: Лингвокультурология. – М., 1971– 189 с; Телия В.Н. О методологических основаниях лингвокультурологии // XI Международная конференция «Логика, методология, философия науки». – М.: Обнинск, 1995, Маслова В.А. Введение в лингвокультурологию: учеб. пособие / В.А.Маслова. – М.: Наследие, 1997. – С. 208; Маслова В.А. Лингвокультурология: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений / В.А. Маслова. – М.: Академия, 2001. – С. 204; Степанов Ю.С. Константы. Словарь русской культуры. Опыт исследования. – М.: Школа «Языки русской культуры», 1996. – С. 288.

В.В.Воробьевнинг “Лингвокультурология” (2006) китобида концепт атамаси умумий тарзда ўрганилган<sup>4</sup>. Рус тилшунослиги ва лингвистик луғатлари<sup>5</sup>да концептга умумий тушунча сифатида баҳо берилган, тилнинг маданият билан боғлиқлиги масалалари ўрганилган, маданиятнинг ривожланиши<sup>6</sup>да тилнинг роли белгиланган<sup>7</sup>.

Ўзбек тилшунослари – А.Абдуазизов, Ш.Сафаров, Ў.Юсупов, А.Маматов, Н.Махмудов, Д.Худойберганова каби тадқиқотчилар концептнинг моҳият-мазмунни, изоҳи, тавсифи бўйича муҳим ва аҳамиятли фикрларни билдириб, мазкур масалани ўрганиш борасида салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдалар<sup>8</sup>. Олима Д.Ашурованинг “Тилшуносликнинг янги йўналишларида илмий тадқиқотлар истиқболлари” (2004) мақоласи<sup>9</sup>да лингвокультуремаларни тизимлаштириш масаласи тадқиқ этилган. Ўзбек лингвокультурологиясида *остона* концептининг табиати, ички маъно тизими, лексик-семантик майдон доираси, услубий, прагматик ва лингвокультурологик хусусиятлари, бадиий асарлар матнида воқеланиши кабилар ҳозирга қадар монографик йўсинда махсус тадқиқ этилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Бухоро давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ўзбек тилшунослигида тил, шахс ва жамият муносабатлари тадқиқи муаммолари” мавзусидаги илмий ишлар режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек тилидаги *остона* концептининг семантик тизими, услубий ва лингвокультурологик хусусиятларини Саид Аҳмад ва Тоҳир Малик бадиий асарлари мисолида очиб беришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

“остона” концепти ҳосил қилган лексик-семантик майдон тизими моҳияти ва унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

“остона” концептининг бадиий матндаги ўрни ва аҳамиятини белгилаш;

<sup>4</sup> Воробьев В. В. Лингвокультурология. – М., 1997.; Воробьев В.В. Лингвокультурология: Монография. – М.: РУДН, 2006. – 336 с.

<sup>5</sup> Литературный энциклопедический словарь. – М.: СЭ, 1987. – С. 77.

<sup>6</sup> Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. – М.: Прогресс, 1993. – С. 223.

<sup>7</sup> Тайлор Э.Б. Первобытная культура. – М.: Издательство политической литературы, 1989. – С. 42.

<sup>7</sup> Воробьев В. В. Культурологическая парадигма русского языка. – М., 1994. - 76 с.

<sup>8</sup> Абдуазизов А.А. О составных частях когнитивной лингвистики // Хорижий филология. – Самарканд, 2007. – №3. – С. 5-6.; Сафаров Ш.С. Когнитив тилшунослик. – Ж.: Сангзор, 2006. – Б. 14; Сафаров Ш.С. Семантика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013. – Б. 15; Юсупов У.К. Маъно, тушунча, концепт ва лингвокультурема атамалари хусусида // Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида. Илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2011. – Б. 206-210; Маматов А.Э. Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада? / Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари (проф. А.Нурмонов таваллудининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуман материаллари. – Андижон, 2012. – Б. 212-220. Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиш масалалари: филол. фанлари бўйича докт. дисс... автореф. – Тошкент, 1999. – Б. 60; Нурмонов А., Махмудов Н. Ўзбек тилшунослиги тарихи. 1-қисм. – Тошкент: Камолот. – Қатортол, 2002. – Б. 188; Худойберганова Д. Ўзбек тилида матннинг антропоцентриқ тадқиқи (матн яратилиши ва мазмунини идроки мисолида): Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент: ЎЗР ФА ТАИ, 2015. – Б. 109.

<sup>9</sup> Ашурова Д.У. Перспективы научных исследований в свете новых направлений лингвистики // Филология масалалари. – 2004. – № 4. – Б. 37-40.

“остона” концептига хос лексик-семантик майдон аъзоларининг ўзаро услубий муносабатлари ҳамда градацион қаторлар моҳиятини асослаш;

“остона” концепти таркибидан жой олган лингвомаданий бирликларнинг матнда воқеланиш хусусиятларини изоҳлаш;

“остона” концепти бирликларида миллий-маданий қадриятларнинг шарқона ўзига хос хусусиятларини ёритиш;

“остона” концепти бирликларининг маданият билан бевосита боғлиқ бўлган маъно кўлами шарҳига доир изоҳли луғат яратиш;

“остона” концептининг миллий-маданий қадриятлар руҳи билан суғорилганлигини гипо-гиперонимик бирликлар орқали изоҳлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўзбек лисоний манзарасидаги “остона” концепти олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** Саид Аҳмад ва Тоҳир Малик бадий асарларида “остона” концептининг миллий-этник, услубий-функционал, лингвокультурологик хусусиятлари ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифлаш, таснифлаш, тарихий-генетик, синхрон таҳлил, қиёслаш, лингвокультурологик ва компонент таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилидаги “остона” концептининг миллий маданият билан бевосита боғлиқ келиб чиқиш тарихи ва ривожланиш жараёни аниқланиб, унинг туғилиш остона, ватан остона, уй остонаси каби лингвокультурологик хусусиятлари очиб берилган;

“остона” концептуал тизимини ифодаловчилар лексик-семантик категория эканлиги ҳамда унинг лисоний ва ментал хусусияти билан ажралиб туриши далилланган;

“остона” концепти билан ассоциатив тарзда боғланган халқ маданияти ва маънавиятига хос лингвомаданий бирликлар Тоҳир Малик ва Саид Аҳмад асарлари асосида аниқланиб, уларнинг мазкур концепт билан юзага келтирган муносабатларига доир ассоциатив алоқа даражаси очиб берилган;

тил ва маданият бирликларининг ички ҳамда ташқи тизими, градуал ҳолати аниқланиб, уларнинг замон ва маконга нисбатан турли сабаблар таъсирида ўзгариш даражаси асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

*концепт* термини изоҳланган, унинг лексик-семантик табиати ва лингвистик-бадий моҳияти очиб берилган;

услубий, прагматик ва лингвокультурологик хусусиятлари илмий-назарий жиҳатдан тавсифланиб, семантик гуруҳлари бўйича таснифланган;

ўзбек тилида “остона” концептининг миллий маданият билан боғлиқ хусусиятлари, семантик майдон доираси ва бирликлари аниқланиб, бадий матнларда воқеланиши лингвокультурологик ёндашув асосида очиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** “остона” концептининг лингвомаданий хусусиятларини аниқлашда, назарий маълумотларни баён этишда аниқ илмий манбаларга таянилганлиги, жаҳон тилшунослигининг янги йўналишлари ва таҳлилий усуллари асосида тадқиқ қилинганлиги, методологик мукамаллиги, келтирилган таҳлилларнинг тарихий-қиёсий, синхрон, диахрон, компонент таҳлил усуллари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тилида “остона” концепти лингвомаданий бирликларининг хусусиятларини белгилаш, шунингдек, уларнинг ички маъно кўлами ва матний маънолари луғатлар тузишда назарий манба вазифасини бажариши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишнинг илмий хулосаларидан олий таълим муассасаларининг бакалавр ва магистратура таълим йўналишларида “Ушбунослик”, “Лингвокультурология”, “Этнолингвистика”, “Прагмалингвистика” фанларидан дарслик ва қўлланмалар яратишда, лингвомаданият (лингвокультурема) бирликларини ўрганишга доир махсус курслар ташкил этишда муҳим манба бўлиши мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** “Остона” концептининг лингвомаданий хусусиятларини аниқлаш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

ўзбек тилидаги “остона” концептининг миллий маданият билан бевосита боғлиқ келиб чиқиш тарихи ва ривожланиш жараёни аниқланиб, унинг туғилиш остона, ватан остона, уй остонаси каби лингвокультурологик хусусиятларига доир хулосалардан ФА-Ф1-005-рақамли “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” (2017-2020 й.й.) мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 24 декабрдаги 17.01/302-сонли маълумотномаси). Натижада ўзбек тили лингвомаданий бирликларини концепт сифатида ҳар томонлама лингвистик тадқиқ қилиш маданий кадриятларимиз мазмун моҳиятини бойитиш имконини берган;

“остона” концептуал тизимини ифодаловчилар лексик-семантик категория эканлиги ҳамда унинг лисоний ва ментал хусусияти билан ажралиб туриши каби илмий хулосалардан Ф1-ХТ-0-19919-рақамли “Ўзбек мифологияси ва унинг бадиий тафаккур тараққиётидаги ўрни” мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Навоий давлат педагогика институтининг 2022 йил 15 февралдаги 8887-560/04-сонли маълумотномаси). Натижада лингвомаданий бирликлар, миллий маданий кадриятлар, урф-одатлар, маросимлар, одоб ва тарбияга хос тушунчалар ва сўз ички маъно-мазмунини тўлиқ аниқлаш имконини берган;

“остона” концепти билан ассоциатив тарзда боғланган халқ маданияти ва маънавиятига хос лингвомаданий бирликлар Тоҳир Малик ва Саид Аҳмад асарлари асосида аниқланиб, уларнинг мазкур концепт билан юзага келтирган муносабатларига доир ассоциатив алоқа даражаси хусусидаги илмий қарашлардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Бухоро” телеканали томонидан тайёрланган “Саккизинчи мўъжиза”, “Ассалом, Бухоро” телекўрсатувлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Бухоро вилоят телевидениесининг 2021 йил 21 декабрдаги 1/329-сон маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатувлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни илмий далиллар билан бойитилиб, кўрсатувнинг илмий-оммабоплик хусусиятини ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та республика ва бта хорижий илмий-назарий анжуманларда апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси юзасидан жами 16 та илмий иш чоп этирилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияси асосий натижаларини нашр этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, республика ҳамда халқаро базалар рўйхатида кирган хорижий журналларда 3 та мақола, Web of Science базасидаги журналда 1 та мақола чоп этирилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч асосий боб, умумий хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация умумий ҳажми 140 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Лингвомаданиятшуносликнинг назарий асослари**” деб номланган ва уч фаслдан таркиб топган. Мазкур боб фаслларида лингвокультурология йўналишининг шаклланиши, тараққиёти ва асосий тушунчалари тавсиф этилган, лингвомаданий бирликларнинг бадиий матндаги вазифаси ҳамда аҳамияти ёритилган, ушбу бирликлар тизимидаги *остона* концептининг ўзига хос хусусиятлари ва ўрни очиб берилган. Ушбу концепт ўзбек халқининг ўзига хос миллий маданиятини акс эттирувчи бирлик бўлиб, у ўзида тил, маданият, маънавият, халқ турмуш тарзи, унинг тарихи ва бугуни, эртаси, эътиқодлари, этнографияси каби муштараклигини намоён эта олади. Зеро, исталган табиий тил ундан фойдаланадиган халқнинг маданияти

билан чамбарчас боғлиқки, йиллар давомида тил маданият ривожининг зарурий омилига<sup>10</sup> айланиб бораверади.

Бобнинг илк фасли “*Лингвокультурологик бирликларнинг генезиси ва ривож*” деб номланган. Бу фаслда тилнинг тушунча ифодалаш, нутқий воқеланишида тўғри ва кўчма маъноларнинг юзага келиши, унинг муайян матнга ҳамда шевага муносабати; тилнинг коммуникатив хусусияти, шунингдек, маданият ҳам худди тил каби маълумот узатишга қодир бўлган семиотик ишора тизими эканлиги ёритилган. Ю.М.Лотманнинг фикрича, маданият кўп функцияли, серқирра бирлик бўлса-да, у тилдан фарқли ўлароқ, ўз-ўзини ташкил қила олмайди, чунки у, энг аввало, хотира, мураккаб семиотик тизим фаолиятининг манбаси ҳисобланиб, йиғиш, тўплаш вазифасини бажаради<sup>11</sup>.

Халққа хос жамики жиҳат, жумладан, маданият ҳам тил орқали вербаллашади, айнан тил маданиятнинг таянч тушунчаларини ҳаракатга келтиради, том маънода, маданият тўлалигича тилда воқеланади ва нутқда юзага чиқади. Маданиятга хос исталган қирранинг воқеланиши “тафаккур-тил-нутқ” трихотомияси орқали амалга ошади.

Аёнки, тадқиқотчилар лингвомаданият тушунчасига турлича ёндашадилар. Масалан, Эмил Бенвенист тил ва маданият тушунчасига қуйидагича таъриф беради: “Инсоният лингвомаданиятни уч бирликда тасаввур қилади. Бу – маданият, тил ва инсон шахси. Тадқиқотчи лингвомаданиятни “линза” деб қабул қилади ва у орқали моддий ва маданий қадриятларни ўрганади. Мана шу “линза” асосини лингвомаданий тушунча эгаллайди”<sup>12</sup>.

Ўзбек миллатига хос тақрорланмас лингвомаданий бирликларнинг бири “остона” лексик бирлиги йиллар давомида умуммиллий қадриятларнинг кўп маъноли бирлигига айланиб, муҳим концепт сифатида мукамаллашиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Мазкур концепт кўп қиррали, у шу миллат вакилининг қалбида фахр, виқор, меҳр-муҳаббат туйғуларини уйғотувчи ижобий бирликдир. Когнитив тилшунослик бўйича олиб борилган тадқиқотларда концепт бу онг бирлиги бўлиб, қабул қилинган билим, эришилган тажриба, инсон ҳаёти фаолиятидаги натижалари, муайян маданиятга тааллуқли тасаввур ва билимлар мажмуаси ҳисобланади. Ҳозирги кунда тилшуносликда “концепт” атамасига икки хил ёндашув мавжуд: унга когнитив тилшунослик ва лисоний маданиятшунослик категориялари томонидан ёндашилмоқда<sup>13</sup>.

Когнитив тилшуносликда концепт инсоннинг билими ва тажрибасини, ментал лексикасини, бутун олам манзарасини, миянинг концептуал ва тил тизимини, инсоннинг руҳиятини ифодаловчи восита сифатида ўрганилади. Концепт маданий универсалияларни ифодалайди ва у тафаккурда мавжуд

<sup>10</sup> Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. – М.: Прогресс, 1993. – С. 223.

<sup>11</sup> Лотман Ю.М. Культура и взрыв // Лотман Ю.М. Семиосфера. – СПб.: Искусство–СПб, 2010. – С. 227.

<sup>12</sup> Емельянова Е.В. Концепт как базовая категория лингвокультурологии. Евразийский Союз Ученых (ЕСУ) # VII, 2014. – С. 87-90.

<sup>13</sup> Лихачев, Д.С. Концептосфера русского языка / Д.С.Лихачев // Русская словесность: // Русская словесность: антология / Под ред. В.П.Нерознака. – М., 1997. – С. 28-37.

бўлади, ўзида когнитив-рационал ҳамда эмоционал-психик мазмунни бириктиради<sup>14</sup>.

“Остона” концепти қамровидаги ҳар бир ифода унга хос лексик-семантик майдоннинг муайян ташкил этувчиси ҳисобланади. Уларнинг ташқи ва ички маданият билан боғлиқ бўлган маъноларини атрофлича таҳлил қилиш учун асосий манба – бадиий адабиётлардир.

Жумладан,

*Яшаш дарбозаси остонасидан  
Зарҳал китоб каби очилур олам,  
Тириклик кўркидир меҳнат, муҳаббат,  
Фурсатдир қилгувчи азиз, мукаррам.*

(Ғ.Ғулом “Вақт”)

Шеърнинг биринчи мисрасини ифодалаётган ички маъносига кўра қуйидагиларга ажратамиз: яшаш дарбозаси – ватан сарҳадлари; дарбоза остонаси – ватан чегара ҳудудларида жойлашган сарҳадлар. Шеърда миллий қадриятларимиз аниқ намоён бўлган, десак хато қилмаган бўламиз. Шоир айтмоқчи, тирикликнинг таянчи ва меҳр-у муҳаббат остонадан бошланади. Яратган инсонни унинг кўрки ҳисобланган одоб-ахлоқига яраша мукаррам ва азиз қилади. Мана шу келтирилган биргина тўртлик “остона” лексик бирлигининг қатор ички маъноларини юзага чиқара олган.

Шу билан бирга “остона” концепти миллий қадриятларимизда салбий маъно ва тушунчаларни ҳам ифодалайди. Масалан, “*Никоҳсиз остона ҳатлаб кириб чиқишларинг қандоқ бўларкин, гап сўзга қўйманглар мени, дедилар*”<sup>15</sup>.

Мазкур парчада *остона* сўзи *покиза хонадон* тушунчасини англатади. Тор маънода эса миллий урф-одатларга кўра хотин-қизларнинг никоҳсиз бошқа хонадонга хотин ёки бўлажак хотин сифатида остона ҳатлаб ўтиши умуман мумкин эмаслигини билдиради. Бу қадрият миллий менталитетимизда меъёрий ҳолат ҳисобланади.

Ўзбек тили ва маданиятида “остона” концепти муҳим аҳамиятга эга бўлиб, лингвомаданий бирликлар тизимида алоҳида ўрин эгаллайди. У барча лингвистик концептлар сингари маданиятнинг кичик бир модели сифатида намоён бўлган. Миллий лингвомаданий бирликлар инсонийлик, ватан ва оилага садоқат, ибо-ҳаё, ҳурмат-иззат каби қадриятларни ўзида мужассамлаштирганлиги кузатилди.

Бобнинг “**Лингвомаданий тушунчаларнинг лексик-семантик майдони**” деб номланган иккинчи фаслида “остона” концептига хос хусусиятлар лексик-семантик майдон (ЛСМ), лексик-семантик гуруҳ (ЛСГ), семантик майдон (СМ) ва мавзуий (тематик) гуруҳ (МГ) кабилар бўйича таснифлаб ўрганилган. Тилнинг лексик (луғат) тизимида турли мавзуий гуруҳ ва “сўз майдонлари” мавжуд. Лингвистикада “майдон” муаммоси йўналишида О.С.Ахманова, А.А.Никитина, О.Г.Ревзина, Е.С.Милкевич, И.Е.Беляева

<sup>14</sup> Лихачев Д.С. Концептосфера русского языка / Д.С.Лихачев // Русская словесность: // Русская словесность: антология / Под ред. В.П.Нерознака. – М., 1997. – С. 28-37.

<sup>15</sup> Саид Аҳмад. Уфқ. Трилогия. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриётн, 1976. – Б. 157.

сингари олимларнинг ишлари эътиборга лойиқ. “Семантик майдон – бу умумий (инвариант) маъно жиҳатидан бирлашган кўпгина сўзларнинг иерархик таркибидир”<sup>16</sup>. Агар луғат бирликлари умумий интеграл семага эга бўлса, улар семантик майдонини ташкил қила олади.

Юқорида келтирилган назарий тушунчалар асосида “остона” концепти лингвомаданий бирлигининг лексик-семантик майдони учун, энг аввало, унга маънодош ёхуд унга яқин тушунча ифодаловчи тил бирликларининг асл ва кўчма луғавий маъноларини изоҳлаш ўринлидир. Муайян тилнинг лексик бирликларига хос лексик-семантик гуруҳлар, уларнинг майдонлари турли нуқтаи назарлардан тадқиқ қилинганда, танланган лексема (лар)нинг мураккаб ва кўп қиррали тил бирлиги эканлиги намоён бўлади. “Остона” концепти лингвомаданий бирлигининг лексик-семантик майдони қуйидаги таркибий узвлардан ташкил топган: *ватан, эл, юрт, ўлка, диёр, гўша, даргоҳ макон, манзил* (гоҳ), *уй, бўсага, остона, дарбоза* (дарвоза), *эшик*.

Мазкур ЛСМга кирган барча тил бирликлари *яшаи жойи* семантикаси билан бирлашган бўлиб, улар маънодошлик муносабатига эга. Мазкур лексик бирликларнинг луғавий маъноларига<sup>17</sup> эътибор берилиб, ўхшаш ва фарқли жиҳатлари таҳлил қилинганда, айрим ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги намоён бўлади. Ушбу концептнинг концептосфера бирликлари маънодошлик жиҳатидан *уй, яшаи жойи* маъносини ифодаласа-да, қўлланиш валентлиги турлича шакл ва мазмунда намоён бўлади, аниқроқ қилиб айтганда, уларнинг семантик муносабатлари ўзаро фарқланади. Ўзбек лингвомаданиятида *остона* концепти кенг қамровли бўлиб, унинг концептосферасига қуйидаги тушунчалар қиради: а) *киравериши, бўсага, арафа, шоҳ саройи, дахма; эшик, дарвоза чорчўпининг остки кўндаланг ёғочи; бинога, ҳовлига кираверишидаги ерга кўндаланг ётқизилган ёғоч, тахта, харсанг; б) уй, хонадон, даргоҳ; қишлоқ ёки шаҳарга кираверишидаги жой* ва ҳ.к. “Остона” концепти таркибидаги бирликлар градуал хусусиятга эга қуйидаги партонимик (бутун-бўлак) қаторларни ҳосил қилади: *остона (уй) эшик, дарвоза, даргоҳ, манзилгоҳ, манзил, макон, гўша, диёр, ўлка, юрт, эл, ватан; ватан, эл, юрт, ўлка, диёр, гўша, макон, манзил манзилгоҳ, даргоҳ, дарбоза дарвоза, эшик, остона*.

Бобнинг учинчи фасли “Лингвомаданиятшуносликнинг таҳлил методлари ва методологияси” деб номланган ва унда методология тушунчасининг фалсафий моҳияти очиқ берилган, асосий жиҳатлари ва муайян фан тараққиётидаги ўрни ҳамда аҳамияти кўрсатиб ўтилган, лингвокультурологик тадқиқотлар методологиясининг мақсади белгиланган, уни такомиллаштириш учун айрим тавсиялар берилган.

Лингвомаданиятшунослик методларидан тил ва маданиятнинг ўзаро алоқалари таҳлилида фойдаланилади. Бироқ ҳар қандай тадқиқот методи чегараланган хусусиятга эга, чунки тил ва маданият бирликлари шу даражада

<sup>16</sup> Ахманова О.С. Основы компонентного анализа // О.С.Ахманова, И.А.Мельчук, М.М.Глушко и др.; под ред. Э.М.Медниковой. –М., 1969. – С. 118-127.

<sup>17</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 444.

мураккабки, уларнинг табиати, генезиси ва бажарадиган вазифаларини биргина метод доирасида тадқиқ қилиш имконсиздир. Шу боис методлар миқдори ошиб бориши табиий ҳолатдир. Ҳозирга қадар лингвомаданиятшуносликнинг ўзига хос самарали қуйидаги методлари мавжуд: диахроник метод, синхроник метод, тизим ва вазифа методи, тарихий-генетик метод, типологик метод, қиёсий тарихий метод<sup>18</sup> ва ҳ.к. *Остона* концептининг лингвомаданий таҳлилида мазкур усулларга у ёки бу даражада муурожаат этилди.

Диссертациянинг **“Остона концепти лингвомаданий бирликларининг услубий хусусиятлари”** деб номланган иккинчи боби уч фаслдан иборат. Унинг биринчи фасли **“Лингвомаданий бирликлар услубияти”**ни ўрганишга қаратилган. Лингвомаданиятшуносликда концепт ва унинг концептосфераси бирликларига доир услубий жиҳатлар нутқ маданияти билан ўзаро боғлиқ тарзда тадқиқ этилган. Нутқ маданияти умумий услубиятнинг ажралмас бир бўлагидир, чунки мулоқот нуқтаи назаридан қараганда, нутқ маданиятининг асл вазифаси тил услубларини нафақат билиш, балки нутқ жараёнида ўринли қўллай олишдир<sup>19</sup>. Маълумки, бадиий асарда унинг етакчи ғоялари, шу ғояларни асарда ифодаловчи бош қаҳрамонлар муҳим ўрин тутуди. Саид Аҳмаднинг *“Борса келмас дарвозаси”* ҳикоясининг бош қаҳрамони муаллифнинг ўзи бўлиб, унда *остона* концепти асар қаҳрамони нутқида турли мажозий маъноларда қўлланган. Адибнинг мазкур асарни ёзиш жараёнидаги ҳистуйғуларини билиш учун унинг Умарали Норматовга ёзган хатининг матни билан танишиш кифоя қилади: *“Мана, “Борса келмас дарвозаси”га нуқта қўйдим. Ўрнимдан тураётганимда бошим айланиб, ўтириб қолдим. Ичкари уйда телевизор кўриб ўтирган куёв-ўғлим Маҳмуджонни чақирдим. У рангимни кўриб, қўрқиб кетди. Шошиб томиримни ушлади. Ичкаридан аппарат олиб чиқиб, қон босимимни ўлчади. 200 га 130. Биламан, бу – инсульт остонасидаги ҳолат...”*<sup>20</sup>

Адиб мактубида келтирилган жумлалар, инсон ҳаётидаги энг қийин ҳолатлар тасвири изоҳга муҳтож эмасдек кўринса-да, унинг ички таҳлили бир қадар хусусий маъноларни юзага чиқаради. Жумладан, “бу – инсульт остонаси” жумласи замирида касалликнинг бошланиши, деган янги кўчма маъно бор. Мактубнинг давомига эътибор қаратамиз: “Сароб деган ҳикоямни ўқигансиз, унга ҳам нуқта қўйганимда шу аҳволга тушгандим. Ўшанда мени шу Маҳмуджон ўлимдан сақлаб қолган эди”. Юқорида келтирилган кичик матн адибда юрак хуружининг бошланиши эмас, айнан юқори чўққисида эканлигини ифодалайди.

Ҳар бир услуб (илмий, расмий, сўзлашув, публицистик кабилар) ўзига хос хусусиятларга эга. Фикримиз далили учун Э.Воҳидовнинг бадиий услубда битилган *“Куй авжида узилмасин тор”* шеърлар тўпламидаги *“Ватан”* шеърини қуйида келтириб ўтаамиз:

<sup>18</sup> Н.Ф.Алефиренко «Лингвокультурология. Ценностно – смысловое пробранство языка: учебное пособие». – М.: Флинта, 2016. – С. 288.

<sup>19</sup> Ожегов С.И. Лексикология. Лексикография. Культура речи. – М., 1974. – С. 285-291.

<sup>20</sup> Саид Аҳмад. Киприқда қолган тонг: Қиссалар. Хотиралар. Ҳикоялар. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 42.

“Биз етмаган манзилларга ҳам  
Наслимизнинг етар қадами  
Бутун замин,  
Курраи олам  
Авлодларнинг бўлар Ватани”<sup>21</sup>

“Ватан” шеърининг охириги тўртинчи бешлигида ҳам кўпгина адабий услубга хос бирликлар кўзга ташланади: “биз етмаган манзиллар”, “наслимизнинг қадами”, “етар қадами”, “бутун замин”, “курраи олам”, “авлодларнинг Ватани”. Таҳлил қилинаётган бешликнинг илк мисрасида “биз етмаган манзиллар” бирикмаси келтирилган. Бу бирикмада инсон қадами етмаган жой маъноси, ота-боболаримизнинг ушалмаган орзу умидлари оддий сўзлашув услубига хос бўлиб, ота-боболар қадами етмаган жойга фарзандлар қадами етганидан далолат беради. Бешликнинг иккинчи қаторида эса ушалаётган орзуларнинг нашидасини кўришимиз мумкин. “Бутун замин” бирикмасини барчамиз кундалик сўзлашувда ишлатамиз. *Бутун замин, ер юзини эгалламоқ* каби бирикмалар оддий сўзлашувда кўп учрайди. Кейинги мисра таҳлил қилинаётган бирикмаларнинг мазмуний давоми ҳисобланиб, градуал қатор сифатида намоён бўлади. Қаранг: *курраи олам, бутун жаҳон, етти иқлим, сайёра*.

Шеърнинг охириги қаторида авлодларнинг ватани бирикмаси (унинг остонаси) жуда кенг маънода қўлланган. Бирикманинг кундалик ҳаётимизда кўп ҳолларда қўлланилиши ўсиб келаётган ёш авлодни ота-боболарига ҳурмат руҳида тарбиялашга дастуриламал бўлади десак, муболаға бўлмайди. Шунингдек, буюк Ватанни, Ватан остонаси, Ватан пойи остонасини бутун вужуди ила севиш ва кўз қорачиғидек асраш туйғуларини ифодалайди. Келтирилган таҳлиллар лингвомаданий бирликларнинг фақатгина лингвистикасига хос бўлган тушунча ва маъноларни ўзида мужассамлаштириб қолмай, уларнинг ички мазмунини ҳам ёритади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, “Ватан” шеърининг таҳлили аслида лингвомаданий бирликлар изоҳидир. Зеро, бадий асарда “остона” лексик бирлигининг кўпгина маънодошларидан фойдаланилган, жумладан, шеър матнида *Ватан* сўзи нейтрал (бетараф) лингвомаданий бирлик вазифасини бажарсада унинг ажралмас қисми бўлган *остона* концепти маданий мазмун кашф этади. Шунингдек, тил ва маданият бирликларининг ички, матний маънолар мазмунини ёритишда нафақат илмий, балки нутқий ҳамда диалектик услублар ҳам миллий маданиятга хос бўлган тушунчаларни ифодалашда қўл келади.

Бобнинг иккинчи фасли **“Остона” концептининг ифода услубияти** деб номланган. Бу фасл “Остона” концептининг услубий хусусиятларини ўрганишга бағишланган. Бундай йўл тутишнинг асосий сабаби услубиятнинг нутқ маданияти билан боғлиқлигидир. Аёнки, сўзлашув услуби икки турга бўлинади: адабий ва оддий (нейтрал). Тилнинг адабий сўзлашув услуби

<sup>21</sup>Эркин Воҳидов Куй авжида узилмасин тор: шеърлар ва дoston. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Нашриёт матбаа бирлашмаси, 1991. – Б. 26.

кундалик мулоқот учун зарурий воситадир (ундан мактаб ва олий ўқув юртлари таълими тизимида жуда кенг фойдаланилади). Оддий сўзлашув (мулоқот) услуби эса эркин муомалага хос бўлиб, унда тилнинг эмоционал ҳолати доимо етакчи ҳисобланади. Адабий сўзлашув услуби, одатда, тилнинг адабий меъёрлари бўйича шакллантирилади ва унда диалектал хусусиятларнинг намоён бўлишига йўл қўйилмайди, шунга ҳаракат қилинади. Оддий сўзлашув услуби учун эса бетакаллуфлик ва эркин муомала муҳим хусусият ҳисобланади. Унда эмоционаллик, ҳис-ҳаяжон туйғулари етакчилик қилади. Юқорида келтирилган бадиий матнларнинг гап қурилишлари халқ тилига яқинлиги, лексик бирликларнинг эса аксарияти халқ нутқида фаол қўлланишда бўлганлиги, унда *остона* концепти каби лингвомаданий бирликларнинг бадиий маҳорат билан истифода этилиши кабилар асар услубининг раволиги ва очиқлигини таъмин этган.

Эътиборли томони шундаки, асар қаҳрамони нутқида халқ тилида кўп қўлланиладиган лексик ва фразеологик бирликлар, *остона* концепти каби лингвомаданий бирликлар кўп ишлатилган. Шу билан бирга ёзувчи умумхалқ тилининг универсал тури адабий сўзлашув услубидан ҳам ўрни билан фойдаланган. Мавзу доирасидаги таҳлиллар натижасига кўра Саид Аҳмад бадиий асарларининг тилини шакллантиришда адабий услубни ҳам, оддий (соғда) сўзлашув услубини ҳам юксак маҳорат билан қўллаган, деган хулосага келиш мумкин. Мисол: *“Бечора Рисолатнинг шу биттагина неварасидан бошқа ҳеч кими йўқ. Толиб болам, маракага ўзинг бош бўл. Ҳой Зайнаб югур, қўни-қўшинини чақир. Юртга хабар қилишсин. Ўлим қурсин, ўлимгина қурсин, шунақа бемаҳалда, бемаврид келади. Қоқилганнинг остонасидан ўтади. Қоқилганни қоқиб йиқитади. Шўргинанг қурғур Рисолатнинг кўрган қуни озмиди”*<sup>22</sup>.

Мазкур бадиий матнда Бодомгулнинг ўз жонига қасд қилганини эшитган Рисолат бувининг сўзлари келтирилган. Унинг охириги жумлаларида тил ва маданият бирлиги бўлган “остона” сўзи ишлатилган: “Қоқилганнинг остонасидан ўтади”. “Остона” сўзи билан бирикма ҳосил этган “қоқилмоқ” сўзида матний маъно қуйидагича: *юриб кетаётганда бирор нарсага қоқилиб йиқилмоқ*. Ушбу сўзнинг матний маъноси эса *хато қилган, тузатиб бўлмайдиган хатодир*. Матндан англашиладики, “қоқилган” сўзи *хиёнат қилмоқ* маъносида қўлланилмаган. Асар мазмунидан келиб чиқилса, бундай кўчма маънода тушуниш хато ҳисобланади. Мазкур сўзнинг мажозий маъносини *кечирилмас хато* тарзида изоҳлаш ўринлидир. “Остона” концепти мазкур матнда қуйидаги маъноларга эга: *хонадоннинг остонаси, хонадон, оила яшаш жойи, ватан*. Шунингдек, кечириб бўлмас хато қилганнинг уйига фожиа, ўлим келади, деган маънода ҳам англаш мумкин. Асарда келтирилишича, бу хато фақатгина ўзигагина эмас, балки, ягона фарзанди – ўғлининг бошига ҳам оғир кунларни солади.

<sup>22</sup> Саид Аҳмад. Жимжитлик (Роман). – Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – Б. 146.

Бобнинг учинчи фасли “Миллий кадриятларда лингвомаданий бирликларнинг воқеланиши” тадқиқига бағишланган.

“Остона” концепти лингвомаданий бирликлари лингвистик (хусусан, лексик) йўналишда илмий таҳлил қилинганда, уларнинг луғатларда акс эттирилмаган ички маъно-мазмунга эгаллиги намоён бўлди. Алоҳида таъкидлаш ўринлики, ҳозирги даврга қадар лингвомаданий бирликларнинг ички, кўчма маъноларини акс эттирган изоҳли луғатлар кўп яратилган эмас. Мазкур бирликларнинг шундай хусусиятга эга бўлмаган сўзлардан фарқи шундаки, улар ўзида икки хил маънони мужассамлаштирганлигидир. Биринчиси, лексик маъно бўлса, иккинчиси, маданиятимизга бевосита боғлиқ концептдир. Ҳар бир лингвомаданий бирликнинг ички маъноси сўзларнинг қай ҳолатда ишлатилишига, салбий ёки ижобий ҳиссиётлар, қаҳр-ғазаб ёхуд хурсандчилик туйғуларини турли хил вазиятларда ифодалашга бевосита боғлиқ бўлади.

“Остона” концептининг миллий маданият билан боғлиқ бўлган маънолар кўлами уммон сингари тубсиз ва чексиздир, зеро, унинг тўхтовсиз бардавомийлигини бадий асарлар ҳамда буюк даҳоларимиз ўғитлари ташкил этади. Шу ўринда ҳазрат Иброҳим алайҳиссалом сабоқларидан бирини келтиришни жоиз деб билдик: *“Ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом тўнғич ўғли Исмоил алайҳиссаломни кўргани Маккага келди. Ўғлининг уй эшигини тақиллатганда бир хотин эшикни очиб қўполлик ва зарда билан сўради:*

